10 НОЯ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 243 (5534)
23 ОКТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР! БИЛИМЛАРНИ, МАДАНИЯТ, ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТНИ ТИНИМСИЗ ЭГАЛЛАНГИЗ! КОММУНИСТИК ПАРТИЯ БИЛАН СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ РЕВОЛЮЦИОН, ЖАНГОВАР ВА МЕҲНАТ АНЪАНАЛАРИНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ!

ЛЕНИНЧА ЯШАШ, ИШЛАШ, КУРАШИШНИ ЎРГАНИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАРТИБ ЎРНАТИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРИМИЗНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVII ПЛЕНУМИДАН

20 октябрь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш ҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси кинишларга нисбатан марказий Комитетининг бисосизлик руҳини вужудга ни секретари ўртоқ И. Б. келтириш юзасидан конкрет онҳўжаев доклад қилди. таклифларни киритдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Соиқлар Ўзбекистон Ком- ветларининг, халқ депутатлари Марказий Комиларининг XVI пленуми ре- маҳаллий Советларисига ҳақида бурилиш нинг сессиялари. Марказий воқеа бўлиб қолган Комитет пленуми бошлаб тўғрисида гапирдилар. берган ишчанлик, принкоммунистлар, барча меҳципиаллик руҳида ўтди. Рес- кашлар пленум қарорини публика Министрлар Совети, йдил маъқуллаб, кутиб министрликлари ва идора- лар. Очиб ташланган лари пленум йўл-йўриқлари- ниқларга келиб чиқадиган дан келиб чиқадиган вази- ҳо- фаларни бартараф этиш- ларни бартараф этиш сидан коллектив равишда ларини белгилаб олдилар. аб чиқилган йўл область- Касаба союзларида, комсо- ар, район партия коми- молда пленум ва йиғилиш- арининг пленумларида, ларнинг йиғилишларида жлантирилди ва кон- ларда, халқ контроли ва ҳуқуқ- кретлаштирилди. Ана шу тартиботни муҳофаза қилиш ум ва йиғилишларда органларининг, ижодий со- мингдан кўпроқ киши юзларининг, оммавий ахборот ва чиқди. Коммунистлар ва пропаганда воситалари хо- екистон Компартияси димларининг партия-хўжалик азий Комитетининг йў- активлари ҳамда кенгаш- ян йиғилишининг ҳақ- лари бўлиб ўтди. Сиёсий ўлиб ўтди. Сиёсий системаининг барча бўғинла- ларининг ҳақида конкрет ри вазиятни соғломлаштириш учун курашга қўшилди. Пораҳўрлик ва чайқовчиликни, социалистик мулк талонторож қилинишини ва ўғирлашишини, мансабдор шахсларнинг суиистеъмол қилишларини таг-томири билан тугатиш борасида конкрет амалий чоралар кўрилди. Қонунчиликни мустаҳкамлаш учун, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини яхшилаш учун кураш кучайтирилди. Раҳбар ходимларнинг, барча кадрларнинг умумий уюшқоқлик ва интизом учун масъулияти оширилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида Ўзбекистонни салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатиш соҳасида муҳим ва бирмунча қаттиқ чора-тадбирлар амалга оширилаётган регионлар қаторида айтиб ўтди. Бу эса, деб таъкидлашди докладчи билан нотиқлар, республика партия ташкилоти амал қилаётган йўлнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдиради, камчиликларни бартараф этиш учун яна ҳам қатъийроқ кураш олиб бориш вазифасини юклайди. Интизомни мустаҳкамлаш, кадрларнинг масъулиятини ошириш, партия, совет ва давлат органлари фаолиятида ленинча нормалар ҳамда принципларга риоя этиш борасидаги ишларни бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан амалга ошираверириш жуда муҳимдир.

Шу билан бирга пленумда ишларни қайта қуриш йўлида муайян қийинчиликлар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. XVI пленум қарорлари ҳамма жойда ҳам қатъият ва муросасизлик билан амалга оширилмоқда, деб бўлмайди. Аввалгидек раҳбарлик қилиш форма ва методлари давом этиб келаётганлиги факти ҳамон сезилиб турибди. Белгиланган ижобий тенденцияларга янги омил бахш этиш учун ҳамма ишни қилиш керак.

Ҳар бир коммунист, ҳар бир ходим ўз меҳнати якунларини партия XXVI съезди, Марказий Комитет кейинги Пленумларининг қарорларида олға сурилган катта талаблар билан, республика халқ хўжалигининг турли тармоқларида кўрсаткичларни яхшилаш учун амалда нима ишлар қилинганлиги билан қиёслаб кўриши керак. Пленумда кўпгина коллективлар қисқа муддат ичида ишларни қайта ташкил этиб, резервларни ишга тушира олганликлари тўғрисида гапирилди. Озиқ-овқат, Гўшт ва сут саноати, Маҳаллий саноат министрликлари, қора ва рангли металлургия, йўл машинасозлиги корхоналари учинчи кварталги йиллик план суръатларидан ўзиб якунладилар. «Ўзбексельмаш», «Электротерм», «Подъемник» каби йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, Чирчиқ трансформатор заводининг, Тошкент ғалла маҳсулотлари комбинатининг ва бошқа бир қанча корхоналарнинг иши сезиларли даражада яхшиланди.

Аммо умуман саноат ишлаб чиқаришидаги ишларнинг аҳволини қониқарли деб бўлмайди. Республика 9 ой якунларига кўра саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстиришнинг планлаштирилган суръатларига эриша олмади. Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг саноати маҳсулот реализация қилиш планини уддалаолмади. Республикадаги ҳар олти корхонанинг бири реализация бўйича топшириқларни бажармади. Мебель саноати. Бинокорлик материаллари, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, минерал ўғит ишлаб чиқариш корхоналари эса учинчи кварталда ўз кўрсаткичларини ҳатто пасайтириб юбордилар. Планларни ўзгартириш, мажбуриятларни бузиш каби салбий ҳолатларга қатъиян чек қўйиш керак.

Кўпинча хўжалик ходимларининг ишни ташкил эта олмаслиги, ижрочилик интизомининг яхши эмаслиги, ландавурлик, баъзан эса сусткашлик кўрсаткичларнинг пастлигига сабаб бўлмоқда. Айрим раҳбарлар ҳали ҳам эскичасига ишламоқдалар, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари конкрет равишда яхшиланишига эришмаяптилар. Ишлаб чиқариш планлари бажарилмаётганини қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик тугатилганлиги билан оқлашга уринмоқдалар. Пленум бундай кайфиятларни қатъиян қоралади ва зўр ғайрат билан ишлашни талаб қилди.

Докладчи ва нотиқлар республикада фан-техника тараққиёти ютуқлари секинлик билан жорий этилаётганлигини, қўл меҳнати улуши камаймаётганлигини, меҳнат унумдорлиги суст ўсаётганлигини қайд этиб ўтдилар. 367 корхона бу йил бултургига қараганда камроқ унум билан ишламоқда. Бунга яна ўша айрим раҳбарларнинг янгиликдан чўчиши, ланжлиги сабаб бўлмоқда. Натижада унумдорликни ўстиришнинг кўпгина резервлари фойдаланилмай қолмоқда. Аввало гап, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш тўғрисида бормоқда. Техника тараққиётининг барча йўналишлари бўйича топшириқлари бўлган 65 министрлик ва идоранинг фақат ярми шу топшириқларни тўла ҳажмда бажарди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЁШЛАРНИНГ МЕҲНАТИ — СЕВИКЛИ ВАТАНГА!



«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомоллари ана шундай шиор остида меҳнат қилишмоқда



СУРАТДА: йиғув цехи комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари, коммунистик меҳнат зарбдори Людмила Медведева. Т. Каримов фотоси.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси коллективи мамлакатнинг энг йирик қурилишлари, социалистик ҳамдўстлик ва ривожланаётган мамлакатларнинг муҳим объектлари буюртмаларини бажармоқдалар. Уренгой—Помари—Ужгород газ қувури, Воронеж, Жанубий Украина, атом станциялари, Новолипецк, Лисьевск, Ўзбекистон металлургия комбинати ва бошқаларнинг кўплаб буюртмаларини бажармоқда. Мамлакат турли бурчакларидаги минглаб кишиларнинг аниқ иш мароми бирлашма коллективининг буюртмаларни ўз вақтида етказиб беришига боғлиқдир.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг кенг миқёсдаги иқтисодий эксперимент шароитида ишлаётган кўп минг кишилик коллективи «Барча буюртмаларни ўз муддатида бажарамиз!» шиори остида ишлашга аҳд қилди.

Ўн биринчи беш йиллик план ва социалистик мажбуриятлари, шартнома мажбуриятлари қандай бажариляпти, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришнинг қандай реал йўллари бор — «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси ИХ ҳисобот-сайлов комсомол конференциясининг делегатлари ана шу масалани муҳокама қилдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

(Бирлашма комсомол ташкилотининг шонли ишлари ва проблемалари тўғрисида газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

ИЛҒОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

БУГУН

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан оширилган социалистик мажбурият олиб, юбилей шарафига ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғини муддатидан илгари адо этган ишчилар сони 300 дан ошиб кетди. Айни пайтда салкам эллик нафар ишчи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Корхона коллективи шу долзарб кунларда социалистик мусобақани янада авж олдириб, пахтакорларга кўплаб миқдорда «УПХ—1,5В» маркали кўсак чувиш машиналари етказиб бериш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Ушбу машиналар, йиғим-терим мавсумининг сўнгги босқичини муваффақиятли якунлашда катта роль ўйнайди.

Завод фидойилари айни пайтда юбилей йилида белгиланган пландан ташқари 450 минг сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, берилган сўзининг уддасидан чиқиш учун курашяптилар.

ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ ЁРДАМИДА

Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг Чилонзор район пунктида аҳолини ишга жойлаштиришнинг автоматлаштирилган бошқариш системасини синаб кўриш бошланди. Инспектор бу система ёрдамида саноқли дақиқаларда ишга жойлашаётган кишига муносиб иш жойини аниқлаб беради ва унга йўлланмани тутқазади. Илгари бу ишни бажариш учун қирқ минутгача вақт сарф этилар эди.

Автоматлаштирилган бошқариш системасининг ишга жойлаштириш вазифаси шундан иборатки, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги ҳисоблаш марказининг электрон-ҳисоблаш машиналари «хотира»сига саноат корхоналари, муассасалар, қурилиш ташкилотлари ва бошқа идораларда ишчи ва мутахассисларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилади. Инженер оператор ёки инспектор бу ноёб машинага мурожаат қилиши билан телевизион экранда иш жойи борлиги, иш ҳақининг миқдори, сменали эканлиги, уй-жой, болалар боғчаси шароитлари тўғрисида батафсил ахборот намоён бўлади.

Келгусида бундай автоматлаштирилган бошқариш системалари шаҳримизнинг барча районларида ишга туширилади.

● ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

ХАНДАҚСИЗ ПОЙДЕВОР

Чўкадиган тупроқ қурилишда қанчалик кўп юмуш туғдиришини биноқорлар яхши билишади. Бундай тупроқ ҳар қандай иншоотлар учун хавфлидир. Шунинг учун ҳам бино қурилмасидан олдин тупроқни алоҳида шиббалашга аҳамият берилади. Хандақ қазилганидан кейин унинг ичига туширилган кран трос ёрдамида оғир темир шиббани кўтариб, хандақ устига ташлайди ва шу билан пойдевор ўрнини мустаҳкамлаб боради. Агарда тупроқ қуруқ бўлса, уни намлаш лозим бўлади.

Бутуниттифоқ пойдевор ва ер остки иншоотлар илмий тадқиқот институтининг Тошкентдаги филиали мутахассислари бўлажак бинолар пойдеворини шиббалашнинг янги методини яратдилар. Бу янгилик натижасида шиббалаш ишини ҳар қандай об-ҳаво шароитида ер қавлаш техникаси воситалари, қимматбаҳоли опалубка иштирокисиз, хандақ қазимасдан олиб бориш мумкин. Дастлаб махсус механизм тупроқни маълум чуқурликкача чўктиради, устига шағалли текислаб ётқизади ва устидан бетон қоришмасини қуяди.

Бутуниттифоқ институтининг Тошкент филиали бу янгиликни қурилишда муваффақиятли тадбиқ этмоқда. Бу янгилик генерал Узоқов кўчасида бунёд этилаётган тўқимачилик комбинатининг филиали биноси, икки болалар боғчаси ва Ангрендаги янги фабрика қурилишида қўлланилмоқда.

МУЗИКА АСАРЛАРИ КОНКУРСИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси серқуёш республикамизнинг шонли 60 йиллик тўйига бағишлаб жонажон ўлкамизнинг олтмиш йил ичида эришган ютуқларини мадҳ этувчи музика асарлари конкурсини ташкил этган эди. Бу конкурсга музика билим даргоҳининг жуда кўп ижодкор ёшлари ўзларининг янги асарларини тақдим этдилар.

Конкурсда консерваториянинг юқори курс студентларидан Қ. Ҳикматов, Д. Ян-Яновский, А. Эргашев, А. Мансуров, С. Абдуллаев, Т. Климова ва бошқалар биринчи ҳамда иккинчи ўринларни эгалладилар.

ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн иккинчи сессияси 1984 йил 25 октябрь соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ш. Рашидов номли проспект, 9) очилади. Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 14.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

МОСКВА. А. Карпов — Г. Каспаров матчининг ўн олтинчи партияси кеча 34-юришда дуранг натижа билан тугади. Матчда жаҳон чемпиони ҳамон 4:0 ҳисобида олдинда бораяпти.

* * *

ВОЛГОГРАД. Бугун бу ерда М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг навбатдаги ўн тўртинчи партияси ўйналади. Чемпионлик унвонини сақлаб қолган Чибурданидзе ҳозир 8:5 ҳисобида олдинда бораяпти.

* * *

СУРАТЛАРДА: 110-мактаб ўқувчилари пахта даласида.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ



Пахтазордан дараклар № 19

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 22 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	0,82	86,62
Тошкент	0,34	84,85
Наманган	1,31	81,56
Андижон	1,08	79,02
Сурхондарё	0,53	73,65
Хоразм	1,55	72,05
Сирдарё	0,30	69,57
Самарқанд	0,13	58,91
ҚҚАССР	1,52	57,41
Бухоро	0,24	54,57
Жиззах	0,28	53,62
Навоий	0,16	50,54
Қашқадарё	0,07	39,14
Республика бўйича	0,65	66,99



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ АТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қилалар.







ЎҚУВЧИЛАР ҲИССАСИ

Тошкентдаги 110-мактабнинг 200 дан ортиқ ўқувчиси айни кунларда Жиззах областининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз далаларида пахта термоқда. Бу ерда шаҳарлик ҳашарчилар учун қулай шароит яратиб берилган. Улар район пионерлар лагери корпусларида истиқомат қилишмоқда. Ҳашарчилар учун ҳафтасига икки марта кинофильмлар намойиш этиляпти. Улар учун турли хил кўнгилочар ўйинлар ташкил этилган.

Яхши дам олган ҳашарчи-ўқувчилар пахта йиғим-теримида ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Улар ҳар куни эл ҳирмонига 30—40 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкишмоқда. Шаҳарлик ўқувчи-ҳашарчилар, зарбдорларча меҳнат қилиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига муносиб совға ҳозирлашга аҳд қилишган.

* * *

СУРАТЛАРДА: 110-мактаб ўқувчилари пахта даласида.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкентга Норильскдан телеграмма келди: Унда «Норильск кон-металлургия комбинатининг савдо бошқармаси сабзавот-мева маҳсулотларини ташиш муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан Тошкент авиация бўлинмаси ишчиларига миннатдорчилик билдиради», дейилади. Норильскка бу йилги пишиқчилик мавсумида самолётларда 523 тонна ўрик, шафтоли, узум, олма етказиб берилди. Ўзбекистон авиаторлари Узоқ Шимол ва Узоқ Шарқ районлари аҳолисига 10 минг тонна сабзавот ва мева етказиб бердилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 10 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 2—5, эртага кундузи 17—20 даража иссиқ бўлади.

ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАРТИБ ЎРНАТИ
СОҲАСИДАГИ ИШЛАРИМИЗНИ КУЧАЙТИРАЙЛИ

(Боши биринчи бетда).

Кўпгина раҳбарлар ташаббус кўрсатмаяптилар, бошқалардан ўрганиш истагини билдирмаяптилар. Мана бир яққол мисол. Навоий кон-металлургия комбинатида деталларни порошокли металлургия ва плазма ёрдамида югуртириш методи билан қайта тиклаш ҳамда мустаҳкамлаш соҳасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Жуда катта самарага эришилмоқда. Мамлакатнинг ҳамма томонларидан янгиликни ўрганиш учун Навоийга келишмоқда-ку, аммо фақат бизнинг республикамиздан боришмаяпти.

Республика Госплани ва Фанлар академияси навоийликларнинг янги методини оммалаштиришда сусткашлик қилаётганликларига тушуниб бўлмаяпти.

Меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш каби резервидан ҳам ниҳоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Бу соҳадаги ишлар секинлик билан тузатилмоқда. Бунинг устига Автомобиль транспорти министрлигида, «Средазавтоматика» заводида, Андижон ва Нукус ғалла маҳсулотлари комбинатида иш вақтининг зое кетиши камайиш бир ёқда турсин, балки аксинча кўпайди. Фарғона химиявий тола заводининг, Бухоро мотор ремонти заводининг раҳбарлари ҳисоботларда прогулларни яшириб, уларни маъмуриятнинг рухсати билан берилган отпускалар деб расмийлаштириб, шу йўл билан меҳнат интизомини мустаҳкамлашга «эришмоқдалар». Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг корхоналарида эса бекор туриб қолиш ҳоллари умуман ҳисобга олиб борилмайди. Бундай аҳволга энди тоқат қилиб бўлмайди.

Республика саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг коллективлари ўз ишларини тубдан яхшилашлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштиришга, ресурсларнинг ҳамма турларидан тежаб-тергаб фойдаланишга эришишлари лозим. Фан ва техника, илғор тажриба ютуқларини практикага жорий этиш билан зўр бериб шуғулланиш керак. Бу эса қолоқликни тугатишга ва 1984 йилги планни муваффақиятли бажариш, келгусига пухта замин таъминлаш имконини беради.

Марказий Комитет аъзолари капитал қурилишдаги баъзи ижобий ўзгаришларни қайд этиб, бу тармоқ орқада қолаётганлиги тўғрисида ташвишланиб гапирдилар. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари тўққиз ойлик плани 93 процент, асосий фондларни ишга тушириш плани эса атиги 77 процент бажарилди. Чала қолган қурилишлар ҳажми кўпайди. Меҳнаткашларга 250 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой берилмай қолди. Қурувчиларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборатки, деди пленумда сўзга чиққан «Узбекшахтострой» трестининг ғишт терувчиси Д. А. Зазулин, улар белгиланган планлар ва қабул қилинган мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари керак.

Тўртинчи кварталда республика 3 миллиард 300 миллион сўмлик асосий фондларни ишга тушириши керак, бу эса аввалги уч кварталнинг ҳаммасида ишга туширилганига қараганда 800 миллион сўмлик кўпдир. Бир қанча йирик ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш керак бўлади. Бу кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади. Куч ва ресурслар қандай тақсимлаганлигини яна бир бор кўриб чиқиш, уларни ўртада турган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш, куч ва ресурсларни ишга туширадиган объектларга жамлаш, 1984 йилги план ва социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва айни вақтда беш йилликнинг тугалловчи йилига тайёргарлик ишларини кенг кўламда олиб бориш лозим.

Республика халқ хўжалигининг барқарор ва мутаносил ривожланиши кўп жиҳатдан агросаноат комплексининг иши билан белгиланади. XVI пленумдан кейин қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, Озиқ-овқат программасини жадаллик билан амалга ошириш учун бир қанча принципиал муҳим тадбирлар кўрилди. Пахта тайёрлаш системаси ўзгартирилди, пахтага унинг сифати ва толасига қараб ҳақ тўлашга ўтилди. Дастлабки натижалар ҳозирдаёқ яққол кўриниб турибди. Пландаги тола чиқиш нормалари ошириб бажарилмоқда.

Пахта тайёрлашнинг янги системаси йиғим-терим ишларини ташкил этишни тубдан ўзгартиришни талаб этади. Ҳозирча ҳамма жойда ҳам шундай қилинаётгани йўқ. Кўпгина колхоз ва совхозлар шаҳарликлар билан ўқувчиларнинг ёрдамига умид боғламоқдалар, ишчи ва колхозчиларни пахта теримига сафарбар этмаяптилар. Пахта териш машиналаридан ниҳоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Пахта териш кампанияси — барча кадрлар учун қатъий имтиҳон, конкрет амалий ишга оммани сафарбар эта билиш синовидир. Партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари етиштирилган бутун ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, ундан 1 миллион 800 минг тонна тола олиш учун одам ларни сафарбар этишлари, терим конвейерини аниқ-пухта ташкил этишлари керак. Буни биринчи навбатдаги ҳужалик ва сиёсий вазифа деб, Ўзбекистондаги ҳар бир меҳнаткашнинг шоншараф иши деб билиш зарур.

Республика пахтакорлари бу вазифани уддалайдилар, деди пленумда Қашқадарё область Нишон районидаги Ч. Бегимқулов номли совхоз бригадири А. Носирова. Далаларда ҳалол меҳнат билан эмас, балки алдамчилик йўли билан илғорлар қаторига чиқиб олишга, мўл ҳосил устаси деган шуҳратни эгаллашга уринаётган кимсаларнинг ҳаммасини фош этиш керак.

Пленумда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш тўғрисида гапирилди. Дон тайёрлаш плани фақат 56 процент бажарилди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий областлари, айниқса орқада қолмоқда. Давлатга картошка, сабзавот, мева, узум топширишнинг бориши жиддий ташвиш тугдирмоқда. Чорвачиликни ривожлантиришга доир амалга оширилаётган тадбирлар XVI пленум талабларига мос келмаяпти. Бунда гўшт, сут, тухум етиштириш ҳамда тайёрлашнинг ялпи кўрсаткичларигина қисқариб қолмай, молларнинг маҳсулдорлиги ҳам пасаймоқда, сут соғиб олиш камаймоқда. Чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш ва уни нобудгарчиликсиз ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришиш вазифаси қўйилган.

Пленумда тубдан ҳал қилиниши талаб этилаётган яна бир проблема тўғрисида гапириб ўтилди. Бу — ердан фойдаланиш проблемасидир. Ерларнинг реал балансини аниқ белгилаш пайти келди. Майдонларда экинларнинг жойлаштирилишини, алмашлаб экиш участкаларидан қандай фойдаланилаётганини эътибор билан кўриб чиқиш лозим. Ҳисобга олинмаган ерлар эвазига ҳосилдорликни ошириш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйиш керак. Бунда қаттиқ тартиб ўрнатиш пайти келди.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг, уларнинг агросаноат комплексидаги шерикларининг юмушлари кўп. Уларнинг куч-ғайратларини колхоз ва совхозларда вужудга келтирилган потенциалдан олинадиган самарани анча оширишга, ҳар бир хўжаликда энг кам чиқим билан кўпроқ юқори сифатли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга қаратиш зарур.

Пленум хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг ишидаги камчиликлар бартараф этилишини талаб қилди. Бу йил чакана товар обороти, маиший хизмат кўрсатиш планлари сурункасига бажарилмай келмоқда, кундалик зарур моллар савдо-сотиғида узилишларга йўл қўйилмоқда, бунга эса Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари, «Узбекбирлашув» раҳбарларининг эътибори неча марталаб жалб этилган эди. Аммо ҳозирча иш услуби ва методларини ўзгартириш борасида керакли хулосалар чиқариб олингани йўқ. Тўққиз ой ичида аҳолига пландагидан 262 миллион сўмлик кам мол реализация қилинди ва 20 миллион сўмлик кам хизмат кўрсатилди.

Иқтисодий иш масалалари халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу соҳада ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Кўпгина раҳбарлар халқ пулини эҳтиёт қилмай қўйдилар, молия интизомига риоя этмаяптилар. Шу йилнинг ўзидаёқ республикада унумсиз харажатлар 100 миллион сўмдан ошиб кетди, бунинг учун айбдорлар эса камдан кам жавобгарликка тортилмоқда. Масалан, «Ўзкаракульпром»га қарашли совхозларда моллар нинг нобуд бўлишидан кўрилган зарар 6 миллион сўмликдан ошиб кетди, айбдорлардан эса фақат 10 минг сўмгина ундириб олинадиган бўлди. Хўжаликларимизнинг барча раҳбарлари халқ бойлигини тежаб-тергаб, уни авайлаб асрайдиган бўлишлари керак, бундай қилишни истамаётган кишилар эса лавозимларидан олиб ташланиши лозим.

Пленумда айтиб ўтилганидек, кейинги вақтларда аниқланган қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, ҳамма ишни яхши қилиб кўрсатиш каби фактларга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларга ғоят қатъийлик билан чек қўйилади, бу масалада ҳеч кимга юз-хотир қилинмайди. Ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун статистика органларининг масъулиятини ошириш керак. Қўшиб ёзишлар ва кўзбўямачиликка қарши кураш самарадорликни кўп жиҳатдан халқ контроли органларининг фаолиятига боғлиқдир. Халқ контролёрлари ўтказилаётган текшириш сифатини оширишни, салбий ҳодисаларнинг олдини олишни ўзларининг энг муҳим вазифалари деб биладилар, деб таъкидлади ўз нутқида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров.

Халқ хўжалигида проблемалар оз эмас. Уларни ҳал этиш учун республика бошқарув органлари — Министрлар Советида, Госпланда ҳам, шунингдек, жойларда ҳам мунтазам суратда қунт билан ишлаш керак.

Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Х. И. Исманов ва бошқа нотиқлар социал-психологик муҳитни соғломлаштириш жараёни партия комитетларининг собитқадам сиёсий-тарбиявий ишлари билан тўла-тўкис мустаҳкамланиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳолбуки, идеология фронтининг ходимлари ҳали вазият талаб этаётганидек ҳаракат қилаётганлари йўқ. Расмиятчилик, дабдабабозлик, тарбия ишининг самарадорлигини ўтказилган тадбирларнинг сони билан белгилашга мойиллик ҳозирча суст бартараф этилмоқда. Оммавий-сиёсий иш кўпинча умумий иборалардан иборат бўлиб қолиб, меҳнат коллективларининг конкрет ишлари ва проблемаларига кам дахлдор бўлмоқда. Камчиликлар баъзида юзаки, журъатсизлик билан қўрқа-писа танқид қилинмоқда, йўл қўйилган хато ва нуқсонлар дарҳол бартараф этилишига ёрдам бермаяпти.

Одамлар онгида ўтмиш реакцион сарқитларининг социал хавфига етарли баҳо берилмаяпти, динга нисбатан муросасизлик туйғуси сусайиб қолмоқда. Бир қанча партия комитетларида, идеология министрликлари ва идораларида ҳали етарлича ҳужумкорлик кайфияти йўқ, йиғилишларда атеистик ишни кучайтиришни ёқлаб чиқиб, ўзи эса диний расм-русумларга риоя қилаётган коммунистларга нисбатан муросасозлик қарор топган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин оммавий ахборот воситаларининг ишида ҳали муҳим ўзгаришлар рўй бергани йўқ. Меҳнаткашларни тўлиқинлантираётган мавзу ва масалаларнинг ўткирлиги матбуотда эндигина бир оз кўринди қолди. Газеталар, журналлар, телевидение ва радио салбий ҳодисаларга қарши курашда ҳали аниқ-пухта, принципиал, жанговар позицияни эгалламаган йўқ.

Маданият органлари, ижодий союзлар, редакциялар ва нашриётлар жамоатчилик фикрини XVI пленум йўл-йўриқлари руҳида шакллантиришда бирмунча активроқ роль ўйнашлари лозим. Ҳаёт сиёсий ҳушёрликни, сергакликни, танқидий қарашни бирон дақиқа ҳам сусайтириш мумкин эмас, деб ўргатмоқда. Шундай сергаклик йўқолган жойлада эса бадиий жиҳатдан ғўр, баъзида эса ғоявий жиҳатдан зарарли асарлар ҳам пайдо бўлади.

Ёзувчилар союзи ва бошқа ижодий союзларнинг партия ташкилотлари санъаткорни гражданлик руҳида, партиявий руҳда тарбиялаш учун ўз масъулиятини тўла даражада англаб олишлари, уни сиғафий бурчини равшан тушуниш руҳида камол топтиришлари керак. Комил Нўъмонов (Яшин) ўз нутқида жумладан ана шу ҳақда гапирди.

Ёшларни тарбиялаш соҳасида қилинадиган ишлар кўп. КПСС Марказий Комитетининг комсомолга раҳбарлик юзасидан қабул қилган қарори талаблари асосида ҳозирча содир бўлаётган силжишлар ҳали унча катта эмас. Комсомол ишида тераплик, оперативлик, янги формаларни қидириб топиш ҳамон етишмаяпти. Комсомол комитетлари ёшларнинг эзгу ниятлари ва фойдали ташаббусларини амалий ишлар билан ҳали сust мустаҳкамламоқдалар.

Кейинги вақтларда партия комитетлари маъмурий органларни кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўрдилар. XVI пленумдан кейин салкам икки ярим минг киши милицияга ишга ўтди, шуларнинг бешдан бир қисми коммунистлардир.

Пленум партия ташкилотларининг ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлари фаолиятига эътиборни кучайтиришларини, совет қонунларини бузиш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйишларини талаб қилди. Одамларнинг социал-адолат тантана қилишига ишончи мукаддасдир. Бизда социализмнинг олий нормаларига амал қилиш қоида бўлиб қолиши керак. Ўртоқ К. У. Черненко халқ контролёрлари Бутуниттифоқ кенгашида айтиб ўтганидек, бугунги практикани ҳам, келгусидаги планларни ҳам ана шу нормаларга қиёслаш лозим. Бу ишончли умуман эмас, фақат тантанали ваъдалар билан эмас, балки конкрет ишлар билан доимо, мунтазам суратда қўллаб-қувватлаш зарур.

Марказий Комитет пленумида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар анализ қилинди. Кейинги вақтларда бир қанча партия ва совет органлари, ҳал қилувчи участкалар сиёсий етук ва малакали ходимлар билан мустаҳкамланди. Пленум қатнашчилари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишида тартиб ўрнатиш соҳасида катта ёрдам берганлиги учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Кадрлар билан ишлашда ўртоқ К. У. Черненконинг ҳозирги кадр сиёсати масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси маъқуллаган таклифлари ғоят катта аҳамиятга эга. Жумладан, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У Умаров шу ҳақда гапирди.

Республика партия ташкилоти суюнистъмол қилиш ва аҳолқий жиҳатдан бузилиш йўлига ўтаётган кимсалардан қатъиян билан тозаланмоқда. Пленум барча партия комитетларидан ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига ўз ишини яхши биладиган сиёсий етук раҳбарлар бошчилик қилишларига сабот билан эришишларини талаб қилди.

Кўпгина партия комитетлари кадр масалаларини ҳал этишга ҳамон журъатсизлик ва қатъиятсизлик билан киришмоқдалар, айрим раҳбарларнинг номуносиб хулқ-атворидан кўз юмоқдалар. Шу муносабат билан пленумда Тошкент, Самарқанд область партия комитетлари ва бошқа бир қанча партия комитетлари танқид қилинди.

Камчиликларга қарши мураккаб ва қизғин курашда шаҳар ҳамда район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнайди. Марказий Комитет XVI пленумининг қарорларини ҳар бир коммунист онгига етказиш — уларнинг энг биринчи вазифасидир. Бу йўналишда ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Республика ҳаётида содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини ҳали ҳамма жойда ҳам чуқур англаб олишга эришилгани йўқ.

Ишда сусткашлик, камчиликларга лик қилаётган ҳали ҳам бор.

Ўзбекистон пленумида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар анализ қилинди. Кейинги вақтларда бир қанча партия ва совет органлари, ҳал қилувчи участкалар сиёсий етук ва малакали ходимлар билан мустаҳкамланди. Пленум қатнашчилари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишида тартиб ўрнатиш соҳасида катта ёрдам берганлиги учун КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Кадрлар билан ишлашда ўртоқ К. У. Черненконинг ҳозирги кадр сиёсати масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси маъқуллаган таклифлари ғоят катта аҳамиятга эга. Жумладан, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У Умаров шу ҳақда гапирди.

Республика партия ташкилоти суюнистъмол қилиш ва аҳолқий жиҳатдан бузилиш йўлига ўтаётган кимсалардан қатъиян билан тозаланмоқда. Пленум барча партия комитетларидан ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига ўз ишини яхши биладиган сиёсий етук раҳбарлар бошчилик қилишларига сабот билан эришишларини талаб қилди.

Кўпгина партия комитетлари кадр масалаларини ҳал этишга ҳамон журъатсизлик ва қатъиятсизлик билан киришмоқдалар, айрим раҳбарларнинг номуносиб хулқ-атворидан кўз юмоқдалар. Шу муносабат билан пленумда Тошкент, Самарқанд область партия комитетлари ва бошқа бир қанча партия комитетлари танқид қилинди.

Камчиликларга қарши мураккаб ва қизғин курашда шаҳар ҳамда район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнайди. Марказий Комитет XVI пленумининг қарорларини ҳар бир коммунист онгига етказиш — уларнинг энг биринчи вазифасидир. Бу йўналишда ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Республика ҳаётида содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини ҳали ҳамма жойда ҳам чуқур англаб олишга эришилгани йўқ.

ТАСС баёноти

Америка маъмурияти қурол-яроғларни чеклаш ҳамда қисқартириш жараёнини барбод этиш ва унга тўсқинлик қилиш учун қандай куч-ғайрат сарфлаганлиги яхши маълум. Турли йўналишларда шундай қилинмоқда — илгари олиб борилган бир туркум музокаралардан воз кечдилар ва уни яна бошлашни истамаяптилар, Ядро қуролларига доир Женева музокараларини барбод этдилар.

Қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш юзасидан илгари эришилган аҳдлашувларни барбод этишга, шу жумладан бундай шартномаларни четлаб ўтиш, уларга риоя қилмаслик, баъзида эса бевосита бузиш орқали уларни барбод этиш йўлига ошкора ўтиб олдилар. 1984 йил январь ойининг охирларида АҚШ ҳукуматига юборилган совет эсдалик хатида конкрет фактлар келтирилиб, бунга жуда жиддий эътибор жалб қилинган эди.

Шунга қарамай Вашингтондагилар давлатлар ўртасидаги муносабатларда йўл қўйиб бўлмайдиган ишларни давом эттирмоқдалар. Айни вақтда ҳамон нопок усулларни ишга солишда — ўзининг бундай хатти-ҳаракатини ниқоблаш ва ҳатто оқлашга уриниб кўриш учун ўз айбларини бошқа томонга тўнкашда давом этмоқдалар.

Американинг қурол-яроғлар устидан контроллик ва қуролсизланиш агентлиги ҳузуридаги маслаҳат комитети деб аталмиш комитетнинг яқинда эълон қилинган «доклади» навбатдаги ана шундай уринишдан иборат бўлди. Мазкур «доклад»да ғўё АҚШ эмас, балки СССР ўз зиммасига олган мажбуриятларни бузмоқда, деган сийқаси чиққан ва аллақачон рад этилган уйдирмалар яна қайта такрорланади.

Бу ошкора сиёсий қаллобликдан бошқа нарса эмас. Вашингтондаги баъзи кимсалар одамларни алдашга, халқаро мажбуриятларга кимлар эса уларни назарписанд этмаётганлиги ёки тўғридан-тўғри бузаётганлиги ҳақиқий манзарасини бузиб кўрсатишга муваффақ бўламиз, деб беҳуда умид боғламоқдалар.

Фактларга мурожаат этиш кифоя.

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш ва қисқартириш учун ниҳоятда муҳим ҳужжат — СҚЧ-2 шартномасига нисбатан Вашингтоннинг позицияси Америка Қўшма Штатлари имзолаган битимлар юзасидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларга у ердагилар қандай ёндашаётганликларини яққол намойиш қилди. Буни шартноманинг конкрет қоидаларига нисбатан амалий ҳаракатлари билан ҳам намойиш этмоқдалар. Американинг янги ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштира бошлаб, денгиз базаларида жойлаштириладиган ва олисга учириладиган қанотли ракеталарни жадаллик билан жойлаштиришга киришиб, шундай иш тутдилар.

Мажбуриятни тобора бузишлар, шу жумладан бош қисмлари алоҳида-алоҳида мўлжал олдирилиб ажратиладиган баллистик ракеталарнинг белгиланган миқдор чегарасидан чиқиш, шунингдек, учириш қурилмаларининг қўшимча шахталарини қуриш бевосита программалари тузилмоқда. Бу эса СҚЧ-2 шартномаси билан ҳам, шунингдек илгари тузилган 1972 йилги муваққат битим (СҚЧ-1) билан ҳам қатъиян тақиқланган эди.

Вашингтондагилар умуман стратегик ҳужум қуролларини ҳар қандай чеклашлардан воз кечишни, шундай қуроллар билан тўхтовсиз қуролланиш пойгаси йўлига ўтиб олишни истаётганликларини кўрсатувчи тобора кўпроқ белгилар мавжуд.

Совет Иттифоқи СҚЧ-1 ва СҚЧ-2 шартномаларига хилоф ҳеч қандай иш қилганий йўқ ва қилмаяпти ҳам. У ўзи тузаётган битимларга содиқдир. Аммо битимларни бузаётган кимсалар ҳамиша шундай бўлаверади, деб хом хаёлларга берилмай қўя қолсинлар.

Мана бир неча йилдирки, АҚШда бошқа бир ғоят муҳим Совет — Америка битими — ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш тўғрисида 1972 йилги муддатсиз шартномага чоҳ қазилмоқда: ракетага қарши мудофаа системаларининг ҳаракатчан радиолакацион станцияларини яратиш юзасидан шартномада тақиқланган ишлар амалга оширилмоқда; ракетага қарши мудофаа мақсадларида «Минитмен» типидаги қитъалараро баллистик ракеталар синаб кўрилмоқда; ракеталарга қарши системаларнинг кўп зарядли бош қисмлари яратилмоқда: АҚШ территориясининг ракетага қарши мудофаа системасини радиолакацион жиҳатдан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қила оладиган радиолакацион станциялар жойлаштирилмоқда ва ҳоказо.

Америка маъмурияти кенг кўламдаги ракетага қарши мудофаа системаси деб аталмиш системани яратиш соҳасида қабул қилган программа ракетага қарши мудофаа тўғрисидаги шартномага мутлақо хилофдир. Вашингтондагилар буни жуда яхши билсалар-да, аммо шуйдай фикр юритмоқдалар: ракетага қарши мудофаа тўғрисидаги шартнома агрессив муддаоларни амалга оширишга бирон-бир тарзда халақит берган ёки ҳалақит бериши мумкин бўлган тақдирда шартнома учун шунчалик ёмон бўлади. Жавоб зарбасидан ракетага қарши қалқон билан пана қилишга интилиш ана шундай агрессив муддаоларнинг бир қисмидир. АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер уялмай-нетмай шу ҳақда гапирган эди.

Ракетага қарши мудофаа тўғрисидаги шартноманга қўл кўтарилаётганлиги Вашингтоннинг қуролланиш пойгасини космоса ёйиш нияти билан бевосита боғлиқдир. Жумладан кўп мақсадларга мўлжалланган зарбдор космик воситалар — масалан йўлдошга қарши қурол сифатида ҳам, шунингдек ракетага қарши қурол сифатида ҳам фойдаланилиши мумкин бўлган «Асат» системаси пишиқтирила бошланди. АҚШ космик фазо ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик тўғрисида СССР таклиф этган музокаралардан АҚШ шу қадар қаттиқ бош тортаётганлигининг, космик қурол синовларини ва шундай қуролни жойлаштиришни ўзаро тўхтатиб туришга рози бўлмаётганлигининг асл сабаблари мана шундадир.

Америка томони бундай ҳаракатларнинг оқибатлари учун ўз зиммасига қанчалик оғир масъулият олаётганлигини англаб етиши керак. Совет Иттифоқи ракетага қарши мудофаа тўғрисидаги шартномани «бузмоқда» деб рўкач қилиш билан шу масъулиятдан қутилиб бўлмайди, Совет Иттифоқи амалда шартномага қатъий риоя этмоқда ва космик қурол сўзсиз батамом тақиқланиши учун қатъият билан курашмоқда.

АҚШ ғўё Совет Иттифоқи ер ости ядро портлатишлари тўғрисида 1974 ва 1976 йиллардаги шартномаларни бузди, деб уни асоссиз айблаш билан аслида ядро қуроли синовларини, шу жумладан белгиланган қувватларни ошириб синовлар ўтказишда ўз эркинлигини сақлаб қолишига интилмоқда. Совет томони АҚШнинг белгиланган қувватдан оширилган ядро қуроли синовларини неча марталаб қайд этган.

Акс ҳолда АҚШ эслатиб ўтилган шартномаларни аллақачон ратификация қилган, ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқишни ниҳоясига етказган бўлур эди. Аммо АҚШ бундай қилаётгани йўқ.

Ҳар қандай туҳматчилар қанчалик чиранишмасин, Совет Иттифоқи химия қуролини ҳеч қачон ишлатмаганлиги ва ҳеч кимга бермаганлиги фактдир. Аммо шу нарсанинг фактлиги ҳам аниқки, айни Қўшма Штатлар Ҳинди-Хитойда химия қуролини кенг кўламларда ишлатдилар, юз минглаб вьетнамликлар, қолаверса, неча минглаб америкаликларнинг ўзлари ҳам шу қуролнинг қурбонлари бўлдилар, ҳозир эса Қўшма Штатлар Афғонистондаги интервенциячиларни шундай қурол билан таъминлаб турибди. Айни вақтда АҚШ химия қуролини батамом тақиқлаш ва унинг запасларини тугатиш тўғрисида аҳдлашувга эришишга зўр бериб тўсқинлик қилмоқда.

Шу нарса маълумки, АҚШнинг хатти-ҳаракатлари аллақачондан буён Хельсинки Якунловчи акти қоидалари доирасидан четга чиқиб кетганлиги бир ёқда турсин, балки хоҳ давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар принциплари, хавфсизлик ва қуролсизланиш ёки экономика, фан ва техника, атроф-муҳит соҳасида, шунингдек гуманитар соҳаларда ҳамкорлик масалалари бўлмасин унга бевосита зиддир. АҚШнинг ҳозирги сиёсати Европа халқларининг ҳаётий манфаатларига ёт сиёсат эканлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда. Зотан буни ҳарбий машқлар хусусида хабардор қилиш тўғрисидаги масала юзасидан Совет Иттифоқига нисбатан бемаъни даъволар билан яшириб бўлмайди.

Фактлар рўйхатини давом эттириш мумкин эди, аммо мана шу келтирилган фактларнинг ўзи ҳам СССР тузилган шартномалар ҳамда битимларни қатъий ва сўзсиз бажараётган бир пайтда АҚШ халқаро мажбуриятларни четлаб ўтиш ва тўғридан-тўғри бузишга, давлатлар ўртасидаги нормал муносабатларни издан чиқаришга қаратилган амалий ҳаракатлар қилганлиги ва ҳамон шундай ҳаракатлар қилаётганлиги равшан бўлиб қолиши учун кифоядир. Бундай ҳаракатлар Америка раҳбарларининг тинчликка, Совет Иттифоқи билан конструктив муносабатларни яхшилашга интиляпмиз, қуроляроғларни чеклаш ва қисқартириш масалалари юзасидан аҳдлашувларга эришишга тайёрмиз, деган гапларига сира ҳам тўғри келмаётганлиги мутлақо равшан.

Тинчликка, ҳамкорликка, самарали музокараларга ҳақиқий интилиш тегишли сиёсатни — масъулиятли ва ҳалол сиёсатни ҳам тақозо этади.

СССР муттасил шундай сиёсатни ўтказиб келмоқда. Совет Иттифоқидагилар АҚШдан ҳам худди шуни кутадилар.



• ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХ

ЧЕВАРЛАР ҒАЙРА

Пойтахтимизд а г и кўпгина илғор саноат корхоналарининг коллективлари қатори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари ҳам юбилейолди меҳнат вахтасини зарбдорчасига давом эттирмоқдалар. Корхонанинг 2-коммунистик меҳнат цехи ёшлари ҳам қутлуғ юбилейга муносиб туҳфа тайёрлаш йўлида куюнчаклик билан меҳнат қиладилар.

∴ ∴ ∴

СУРАТДА: ана шу цехнинг пешқадам комсомол-ёшлари, чевар тикувчилар (чапдан ўнгга) Гулнора Тоирова ҳамда Мария Кузнецова.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ ТАНТАНАСИ

22 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий-назарий конференцияси шонли вақеа — Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти ва Тошкент Олий партия мактаби ўтказдилар.

Конференция қатнашчилари «Ўзбекистонда социалистик интернационализм ленинча ғояларининг тантанаси» деган умумий мавзудаги бир қанча докладларни тингладилар.

Докладлар олтмиш йил мобайнида коммунистик бунёдкорлик, кураш ва галабаларнинг шонли йўлини босиб ўтган республика тарихи ва унн ривожлантиришнинг турли томонларини ёритди. Докладчилар ўтмишда чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси ижтимоий илмий-техникавий ва маънавий тараққиёт чўққилари сари қадам қўйганлигини конкрет мисолларда кўрсатиб бердилар. Ноғлизмни борасидаги лар тўғрисида наткашларга идеалларга ватанпарварлик тар интернационализм ҳида ғоявий-сиёсий навий жиҳатдан аҳамияти тобора ётганлигига. Компартиясининги фаолияти жалб қилдилар.

Докладлар механизаторлар ва маданият ларида Коммунистик раҳбарлигида фоқидаги ҳаракатнинг қаҳрамонлик эришган муваффақиятлар ўз ифодасини топганлиги алоҳида таъкидланди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

23 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ЁШЛАРНИНГ МЕҲНАТИ —СЕВИКЛИ ВАТАНГА!

«Средазэлектроаппарат» комсомоллари ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқдалар

Ленин комсомолининг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси кучайиб, кўпайиб бораверишига аминмиз.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

КОМСОМОЛЛАР— ФАХРИМИЗ

Ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. С. МАҲМУДОВ ҳикоя қилади:

— Бизнинг электроника тармоғимизга кириямиз бир қатор корхоналар билан ҳамкорликда катта миқдордаги иқтисодий эксперимент ишларини ишониб топширди. Ўтган тўққиз ой ичида кўп иш қилинди. Энг аввало, хўжалик юритишда ва ишлаб чиқаришдаги нуқсонларга барҳам берилди. Ҳар бир кишининг ўзлаштирилган иш учун масъулияти ошди. Коллективнинг меҳнат ва ижтимоий активлиги ортди. Олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда комсомол катта роль ўйнайди.

Тўққиз ойлик якун ҳам кўрсатдики, иқтисодий эксперимент шароитида ижобий натижаларга эришдик. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг ҳисобига кўзда тутилган ҳажмга етдик. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот нархини камайтириш планлари бажарилди. 41,9 процент ишни давлат Сифат тизими билан тайёрланди. Буларнинг ҳаммасида ёшларнинг ҳиссаси каттадир. Биз 19, 20, 31, 34 ва 40-цехларнинг комсомол-ёшлар коллективлари билан фахрланамиз. Цех партия ташкилотчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Валентина Валетова, слесарь Галина Смольянинова, слесарь-йиғувчи А. Смирнова, монтажчи М. Усмонова ва бошқа комсомол-ёшлар бизнинг фахримиздир.

Шу кунларда ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишлаяпмиз. Эришилган ютуқлар билан кифояланмаймиз. Фойдаланилмаган резервларни ишга соламиз.

Яқинда бирлашмада ҳисобот-сайлов комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Унда ютуқлар ҳам, нуқсонларр ҳам рўйи-рост айтилди. Ёшларни актив ҳаётий позиция руҳида тарбиялаш ҳақида гап борди.

Маҳсулотлари м и з энергетика, қишлоқ хўжалигининг муҳим объектларига, чет элларга, зарбдор комсомол қурилишларига юборилмоқда. Биз истеъмолчиларга йил бошидан буён 374 минг сўмлик кам маҳсулот бердик. Бу борадаги мажбуриятни 99,3 процент бажардик. Бу ишлаб чиқариш бўш ташкил этилгани, энг муҳими материаллар билан ўз вақтида таъминланмагани оқибатидир. Конференция делегатлари бу ишни оталиққа олишни таклиф этдилар, «Ишчилар эстафетаси», мусобақасини кенг тус олдирмоқдадалар.

Ўйлаймизки, комсомолларнинг сўзи билан иши бир бўлади.





СУРАТЛАРДА: комсомолда иш олиб бораётган ёш коммунистлар — ишлаб чиқариш илғорларидан электр-монтажчи Маҳмуд Шоумаров, экспорт цехининг мастери Валентина Лицарь; қолипловчи Бахтиёр Жўрабоев; замонавий юқори унумли дастгоҳлар бирлашманинг барча цехларида ишчилар меҳнатини енгиллаштиряпти.

Т. Каримов фотолари.

НАЗОРАТЧИЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгашида айтдики, контрол қилиш иши турмушимиздаги катта ва кичик қусурларни аниқлаш ва айбдорларнинг жазосиз қолишига йўл қўймаслик билангина чекланиши мумкин эмас. Ленин контролнинг вазифаси «фақатгина «тутишдан», «фош қилишдан» иборат эмас... ва ҳаттоки асосан бундан иборат эмас, — балки тузата билишдан иборатдир», «зарур бўлган амалий ўзгартишларни ўз вақтида ўтказиш, бу ўзгартишларни амалга ошириш керак», деб таъкидлагани ҳаммамизнинг ёдимизда. Биз «Комсомол прожектор»чилари ушбу сўзларни жанговар программа сифатида қабул қилдик, — деди бирлашма «Комсомол прожектори» штаби раиси Е. Лагодина.

Бирлашма меҳнат коллективларида «Комсомол прожектори» ва халқ контроли группаларининг биргаликдаги текширишлари, рейдлари, кўриклари ҳамкорликнинг муҳим формаси бўлиб қолди. Бундай ҳамкорлик аҳвол билан батафсил танишиш, назоратнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Комсомоллар халқ назоратчилари ўтказаётган ҳар учта текширишнинг бирида қатнашишяпти.

«Комсомол прожектори» иқтисод режимига риоя этилишини ва ишлаб чиқариш цехлари санитария ҳолатини, завод буфетлари ва ошхоналари ишини, металлар сақланишини, омборхоналарнинг аҳволини назорат остига олишган. Ёш назоратчилар иш вақтидан тўла фойдаланиш учун курашишяпти. Корхонанинг марказий эшиги ёнида ўтказилган текширишда ярим йил ичида деярли юз комсомол аъзоси ишга кечикиб келгани аниқланди.

Барча текширишларнинг натижалари махсус стендларда ёритиляпти, қондабузарларга «Комсомол прожектори»нинг варақалари юбориляпти. Рейдлар пайтида аниқланган кўпгина нуқсонлар бартараф этилишида корхона ёш назоратчилари, «Реле ва автоматика» заводи прожекторчилари И. Скоморин, И. Стреляева, Е. Яшкова, А. Муравенковларни и н г хизматлари бор.

Август ойида «Комсомол прожектори» штабига «Союзимпорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси прожекторчиларидан пакет виключателлари ва переключателлари етказиб бериш муддатлари бузилаётгани ҳақида сигнал тушди. Шундан сўнг оператив чоралар кўрилиб, маҳсулот истеъмолчига юборилди.

Бугунги кунда халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгаши талаблари асосида ёш назоратчилар олдида бевосита меҳнат коллективларида «Комсомол прожектори штабларини ва постлари ишини активлаштириш вазифаси турибди. Назоратчиларнинг бурчи ҳар бир иш жойида, ҳар бир участкада ишга оқилона ҳўжалик кўзи билан қарашга эришишдан иборат.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Йигитлар ва қизлар Москвада бўладиган жаҳон ёшлари ва студентларининг XII фестивали ва комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 60 йиллигига бағишланган шанбаликларда садоқат билан меҳнат қилдилар.

Ўтган шанбада Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган оммавий меҳнат байрамида бирлашманинг Тошкент корхоналарида 150 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ишланган меҳнат ҳақи Тинчлик фондига ўтказилди.

ЎША ЙИГИТ УЧУН

18-цех ишчилари интернационал бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган комсомол аъзоси Константин Полторацкийни ўз коллективи составига киритди. Бу иш ҳақи Тинчлик фондига ўтказилади.

«ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИДА

Бирлашманинг 600 комсомол аъзоси республика колхоз ва совхозлари далаларида ишламоқда. Йигит ва қизлар «оқ олтин» ҳосили учун курашда қатнашиш Ўзбекистон ҳар бир аҳолисининг интернационал бурчи эканлигини яққол ҳис этишмоқда.

Корхонанинг ҳашарчилари мавсум бошидан буён 50 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб топширдилар.

Пахта майдонида кенг авж олиб кетган социалистик мусобақага В. Киев ва А. Таран бошлиқ бригадалар файз киритишмоқда. В. Киев раҳбарлик қилаётган бригада теримчилари кунига камида 60 килограммдан пахта теришга эришмоқдалар.

Комсомол аъзоларидан Ирина Филоненко, Владимир Раюк, Розия хон Хошимова, Татьяна Белькованлар теримчилар орасидаги соцна листик мусобақада пешқадам. Улар ҳар куни хирмонга 100 килограммгача пахта териб топширишмоқда.

ЁШЛАР ҲИССАСИ

Мухбиримиз «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси комсомол комитети секретари ўринбосари Н. ШОЛОХОВАдан бирлашма ёшлари ҳаётига оид бир қатор саволларга жавоб беришни сўради.

— Бирлашма истеъ[мо]лчилари орасида [ма]к қурилишлар, [та]катинг муҳим [об]ъект хўжалик объект[ла]ри бор. Маҳсулот [ва]қтида бериш бўйича [ре]ализация плани бажарилишига ёшлар [қа]ндай ҳисса қўшяпти.

— Бирлашмада ишлаётган ҳар уч кишининг бири комсомол аъзоси. Коллективнинг барча ишларида ёшларнинг ҳиссаси сезиларли. Камчиликлар учун ҳам ёшлардан қаттиқ талаб қилинади. Бизнинг республикада ишчиларнинг бўлиб ўтган [ик]кинчи йиғилишидан бошлаб ёшлар ўртасида мусобақа ташкил этилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатни яхшилаш, металл ва электр энергиясини тежаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг ҳисобига кўзда тутилган вазифаларни ортиғи билан бажардик. Биз ишлаб чиқариш бўш ташкил этилгани, энг муҳими материаллар билан ўз вақтида таъминланмагани оқибатидир. Конференция делегатлари бу ишни оталиққа олишни таклиф этдилар, «Ишчилар эстафетаси», мусобақасини кенг тус олдирмоқдадалар.

Ўйлаймизки, комсомолларнинг сўзи билан иши бир бўлади.

«ЦЕХИМИЗ ПЕШҚАДАМ»

— дейди олтинчи цех электр монтажчиси, цех комсомол ташкилотининг секретари Қ. БОЗОРБОЕВ.

Цехимизнинг комсомол-ёшлар коллективи халқ хўжалигининг турли соҳалари ишлаб чиқариш ёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Бошқариш органлари ва шчитларни ишлаб чиқариш ҳамда ўрнатишда ҳам сайин кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг тўққиз ойи ичида улар билан таққослаганда ўсиш 122 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига ана шу ютуққа эришилди.

Цех йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери социалистик ҳамдўстлик ва дружбанаётган мамлакатларнинг йирик буюртмаларини бажариб келмоқда. «Средазэлектро а п п а рат» маркаси туширилган бошқариш пультлари ва шчитлари Ҳиндистон, Куба, Монголия, Вьетнам, Польша, Югославия ва бошқа мамлакатларнинг энергетика ҳамда саноат объектларида ўрнатилган. Бу йил цехда биринчи марта электроника қўлланилган янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У рақамли программа билан бошқариладиган станокларни комплектлаш учун ишлатилади. Коллектив йил охирига қадар 60 та буюм, келгуси йилда эса 700 та буюм тайёрлаб чиқариш ниятида.

Бундай юксак кўрсаткичлар — бутун коллективнинг мужассамлашган иш тажрибаси, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини тадбиқ этиши натижасидир.

Олтинчи цехда О. Калин, А. Бекмансуров, Хаустов, Сафронов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари меҳнат қилмоқда. Ёшларнинг коллектив ишлаб чиқариш ҳаётида фаол иштироки энг яхши тўққиз комсомол ва ёш коммунистдан иборат этиб тузилган комсомол бюросининг доимий назоратида турибди.

Комсомоллар бюро йиғилишларида, ишлаб чиқариш мажлисларида план ва социалистик мажбурият қандай бажарилаётган л и г и, хом ашё етказиб бериш интизоми қандай аҳволда эканлигини мунтазам муҳокама этиб бормоқдалар. Бундан ташқари меҳнат коллективининг ҳар бир аъзоси ўзига топширилган вазифаларни қандай бажараётганлиги ҳам назорат этилмоқда.

Мана ниҳоят салмоқли натижалар — цехда ишлаб чиқариш нормасини бажармаётган бирорта ёш ишчи йўқ. Сафимизга келиб қўшилаётган ёш ишчилар ҳам меҳнатга тезроқ қовушиб кетмоқдалар. Улар тажрибали мутахассислар ёрдамида монтажнинг мураккаб усулларини тез эгалламоқдалар.

БОШҚАРУВ СТАНОКЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— Рақамли программа билан бошқариладиган янги техникадан фойдаланиш салмоқли самара бермоқда, — деб ҳикоя қилади еттинчи цехнинг слесарь-асбобсози С. ЯНУШЕВИЧ. — Деталларни қайта ишлаш аниқлиги бир неча баробар ошади, меҳнат унумдорлиги ўсади.

— Рақамли программа билан бошқариладиган биргина станокнинг ўзи тор доирадаги бир неча ишчи мутахассис ўрнини босади. Илгари слесарлар топшириқни бажариш учун бир қатор майда-чуйда юмушни бажаришларига тўғри келар экан. Эндиликда бу жараёнлар станок зиммасига юкланган.

Ҳозирда асбобсозлик цехида бир неча рақамли программа билан бошқариладиган йўнишфрезерлик станоклари ишлаб турибди. Бу такомиллашган ускунага фақат ёшлар хизмат курсатишмоқда.

Кўпгина ёш ишчилар садоқат билан меҳнат қилмоқдалар, ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар олинаётган янги ускуналарни тезроқ эгаллаб олмоқдалар.

ҲАР БИР ЁШНИНГ ҚАЛБИГА ЕТИБ БОРАЙЛИК

Ёш мутахассислар советининг иши тўғрисида бош технолог бўлимининг инженер-конструктори В. БУРДЕЙНИК ҳикоя қилади.

Ёш мутахассисларни ий-техника тараққ тининг суръатларини жадаллаштиришда ва ишларнинг ифатини ошириш этиш, фан ва ника янгиликларини аб чиқаришга жорий этиш, иш сифатини таъминлаш ёш мутахассислар советининг асосий вазифасидир. Биз шундай иш юритяпмизки, ёш инженер тезроқ ўз ишини ўзлаштирсин, институтда олган билимларидан тўла фойдалансин. Ҳозир бирлашмада 300 га яқин ёш мутахассис бор.

Ҳар бир ёш мутахассис ўз ихтисоси бўйича ишламоқда. Бунга бизда катта эътибор берилади. Улар институт ва техникумлар билан алоқа ўрнатганлар. Дипломолди практикалари шу ерда ўтади. Бу эса яхши самара беряпти. Масалан, Тошкент политехника институти билан алоқа айниқса яхши самара беряпти. Бундан бир неча йил муқаддам энг яхши ёш мутахассис номини олиш учун конкурс ўтказилди. Бу йил маъмурият комсомол комитети билан биргаликда яна шундай мусобақа ўтказади. Ёш мутахассис фаолиятини ҳар томонлама баҳолашнинг янги балл системаси ишлаб чиқилди. Ҳар кварталда бир марта унга якун ясалади.

Бирлашма ёш мутахассислар совети «Тошкент трактор заводи», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Чирчиқ трактор заводи, Чўбоксаридаги электроаппаратлари заводи ёш мутахассислар совети билан алоқа ўрнатган. Ҳозир автоматик манипуляторлар энг яхши конструкциясини яратиш учун Бутуниттифоқ комсомол-ёшлар конкурсига тайёргарлик кўрилмоқда.

ҚАР БИР ЁШНИНГ ҚАЛБИГА ЕТИБ БОРАЙЛИК

Ёш мутахассислар советининг иши тўғрисида бош технолог бўлимининг инженер-конструктори В. БУРДЕЙНИК ҳикоя қилади.

Ёш мутахассисларни ий-техника тараққ тининг суръатларини жадаллаштиришда ва ишларнинг ифатини ошириш этиш, фан ва ника янгиликларини аб чиқаришга жорий этиш, иш сифатини таъминлаш ёш мутахассислар советининг асосий вазифасидир. Биз шундай иш юритяпмизки, ёш инженер тезроқ ўз ишини ўзлаштирсин, институтда олган билимларидан тўла фойдалансин. Ҳозир бирлашмада 300 га яқин ёш мутахассис бор.

Ҳар бир ёш мутахассис ўз ихтисоси бўйича ишламоқда. Бунга бизда катта эътибор берилади. Улар институт ва техникумлар билан алоқа ўрнатганлар. Дипломолди практикалари шу ерда ўтади. Бу эса яхши самара беряпти. Масалан, Тошкент политехника институти билан алоқа айниқса яхши самара беряпти. Бундан бир неча йил муқаддам энг яхши ёш мутахассис номини олиш учун конкурс ўтказилди. Бу йил маъмурият комсомол комитети билан биргаликда яна шундай мусобақа ўтказади. Ёш мутахассис фаолиятини ҳар томонлама баҳолашнинг янги балл системаси ишлаб чиқилди. Ҳар кварталда бир марта унга якун ясалади.

Бирлашма ёш мутахассислар совети «Тошкент трактор заводи», «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Чирчиқ трактор заводи, Чўбоксаридаги электроаппаратлари заводи ёш мутахассислар совети билан алоқа ўрнатган. Ҳозир автоматик манипуляторлар энг яхши конструкциясини яратиш учун Бутуниттифоқ комсомол-ёшлар конкурсига тайёргарлик кўрилмоқда.

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИДА

Бутуниттифоқ касб маҳоратн конкурсида 7-цехнинг фрезерчиси А. Тулаев завод маркаси шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Конкурс натижаларига кўра комсомол аъзоси фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ IX ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАРОРИДАН

КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини оширш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, давлат, меҳнат ва комсомол интизомини мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорликка қатъий риоя қилиш бўйича қарорларини амалга ошириш учун ёшлар ижодий куч-ғайратини, комсомоллар меҳнат активлигини оширишни комсомол комитети, цех комсомол ташкилотлари, комсомол группалари ўз фаолиятининг бош вазифаси деб ҳисобласин. Ҳар бир комсомол аъзосида топширилган иш учун юксак масъулият, дастгоҳ ва асбобларни асраб-авайлаш, материалларни тежаб сарфлаш, 1984 йил ва умуман беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун юксак масъулият туйғусини тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилинсин.

Комсомол комитети, цех комсомол ташкилотлари комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида социалистик мусобақа таъсирчанлигига эришсин. Бир ой мобайнида «Энг яхши ёш ишчи», «Энг яхши ёш мутахассис» номини олиш учун социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилсин. Тасдиқланган шартларга кўра у якунланиб борилсин. Илғор тажрибаларни кенг ёйиш бўйича актив иш олиб борилсин. «Смена топшириғини бажармаган биронта ҳам комсомол аъзоси бўлмасин» шиори бирлашма барча комсомол ташкилотларининг шиорига айлансин.

Комсомол комитети, цех комсомол ташкилотлари, меҳнат ва жамоат интизомини бузувчилар билан тарбиявий ишни кучайтирсинлар. Жамиятга зид барча кўринишларга қарши муросасизлик вазияти яратишга эришилсин. Дружиначилар оператив комсомол отрядн иши яхшилансин.

Комсомол комитети «Комсомол прожектори» штаб ва постлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чораларини кўрсин.

Комсомол ташкилотлари комсомол йиғилишларининг роли ва таъсирини, уларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш савиясини оширсинлар. Қабул қилинган қарорлар юқориси устидан назоратни кучайтирсинлар.

Ушбу саҳифа материалларини махсус мухбиримиз Н. Корчагина тайёрлаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент БЕТ ОҚШОМИ

23 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

М. Қорнёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ


Солистлар: Муножот ЎЛЧИЕВА, Аҳмаджон ШАРИПОВ, Салоҳиддин ЛУТФУЛЛАЕВ, Робия ОЛИМЖОНОВА, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Жамила ЎЛДОШЕВА, Эгамберган ЁҚУБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ.



ОЛМА ШАРБАТИ

— КАТТАЛАРГА ҲАМ, БОЛАЛАРГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Бир стакан олма шарбати ичиш—бу икки—учта олма ейиш билан баравар, бу эса организмни аминокислоталар, микроэлементлар (руҳ, мис, йод, марганец), минерал моддалар (кальций, калий тузлари), каротин, А, B^1, B^2, С, Е, Р витаминлари, фолий кислотаси ҳамда енгил ва тўла сингадиган фруктоза билан бойитиш демакдир.

ОЛМА ШАРБАТИ АСОСИДА КОКТЕЙЛ ТАЙЁРЛАШНИНГ ОСОНЛИГИНИ АЙТМАЙСИЗМИ!

«МИЧУРИН» КОКТЕЙЛИ

Миксерда 2/3 стакан олма шарбати, бир дона лимон ёки грейнфрут шарбати, бир ош қошиқ асални аралаштирасиз, 2 қадоқ муз қўшиб, дастурхонга тортасиз.

ОЛМАЛИ ҚИЁМ

1/2 стакан олма шарбатини 1/4 стакан олча шарбати билан аралаштиринг. Қадаҳга 50 г музқаймоқ солиб, устидан ҳосил қилинган аралашмани қуйинг.

РЕЦЕПТЛАР БИР ПОРЦИЯГА МЎЛЖАЛЛАНГАН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ (телефон 56-33-98).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

СССР ХАЛҚ РАССОМИ, СССР БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ, ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎРОЛ ТАНСИҚБОЕВ

ЯШАБ, ИЖОД ҚИЛГАН

УЙ-МУЗЕЙГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Экскурсиялар бўлимида группа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади. Телефон 62-62-30.

Группалар 15 кишидан ошмаслиги керак.

Экскурсиялар чоршанба ва жума кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Иш соатлари, соат 11.00 дан 18.00 гача, дам олиш кунлари — душанба, сешанба.

Адрес: Тошкент шаҳри, 1-Черданцев массиви, 5-уй (коттедж). Телефон 62-62-30 (метронинг «Максим Горький майдони» станцияси; 6, 13, 22-трамвайлар; 17, 18-троллейбуслар; 1, 17-автобусларнинг «Рассомлар кўчаси» бекати).

Темир йўл транспорти ва Тошкент метрополитенидаги автоматика ва телемеханика бўйича

БУТУНИТТИФОҚ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 820-ПОЕЗДИ

автоматика ва телемеханика ускуналари электромонтажчиларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга 20—29 ёшдаги эркаклар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 96 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

820-ихтисослашган монтаж поезднинг ишчилари имтиёзлардан фойдаланадилар.

Меҳнат ҳақи — нишбай-мукофотли.

Ишларнинг кўчма характерда бўлганлиги учун тариф ставкасининг 50 проценти ва иқлим шароити учун 20 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Объектлар фойдаланишга топширилганда мукофот пули берилади. Ишлаётган ишчи ва унинг қарамоғидаги 1 киши меҳнат отпускаси чоғида темир йўлдан бепул фойдаланади.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Маҳзуна кўчаси, 1-тупик, 14-«а» уй. (15, 26-автобусларнинг «Санитария техника ускуна уйи заводи» бекати). Телефон 97-17-61.

КИЙИМЛАР, ГИЛАМЛАР — ХИМЧИСТКАГА

АГАР СИЗ КИЙИМ-БОШЛАРНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТОЗАЛАШ, УЛАРНИ БУЯШ ЁКИ КУЯГА ҚАРШИ ИШЛОВ БЕРИШ ИСТАГИДА БЎЛСАНГИЗ, СИЗДА ГИЛАМ ВА ГИЛАМ БУЮМЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ЗАРУРАТИ ТУҒИЛСА, ШУНИНГДЕК УЛАРДАГИ КЕСИКЛАР ВА ЧЕТЛАРИДАГИ СИТИЛИБ КЕТГАН ҚИСМЛАРИНИ ЙЎҚОТИШ ЛОЗИМ БЎЛСА, БУ ВА ШУ КАБИ РЎЗҒОРДА КЕРАКЛИ ҚАТОР ИШЛАРНИ БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ БАЖАРИБ БЕРАДИЛАР.

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДА КЎРСАТИЛГАН БУЮМЛАРНИ ТЕЗ ХИМИЯВИЙ ТОЗАЛАШ ФАБРИКАСИ ФИЛИАЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КИФОЯ:

1 — Западная кўчаси, 1-уй. Телефон 53-20-54, 53-48-33;

2 — Пионерская кўчаси, 3-уй. Телефон 53-73-13.

3 — Чимбой кўчаси, 2-уй. Телефон 46-90-26.

4 — Лисунов кўчаси, 9-уй. Телефон 96-37-41;





5 — Полторацкий кўчаси, 30-уй. Телефон 55-75-48;

6 — Беруний кўчаси, Телефон 42-56-57;

7 — Энгельс кўчаси, 60-«а» уй. Телефон 35-82-76;

— 8 Первомайская кўчаси (Маиший хизмат уйида);

9 — Сергели (бозорда).

БУ ФИЛИАЛЛАР 8 ДАН 20.00 ГАЧА, ДАМ ОЛИШ КУНИСИЗ ВА ТАНАФФУССИЗ ИШЛАЙДИ.

Эслатиб ўтамизки, пойтахтнинг барча районларида у ерда яшовчи аҳолига қулай вақтларда ишловчи бизнинг ўнлаб филиалларимиз (тез бўлмаган) фаолият кўрсатмоқда.

БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УЗ ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

электр-газ пайвандчилар, пармаловчилар, фрезерчилар, сайқал берувчилар, слесарь-йиғувчилар, штамповкачилар, прессчилар, қолипчилар, қуювчилар, тракторчилар, автоматчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

инженер-конструкторлар, инженер-технологлар, газ-электр пайвандловчилар, слесарь-асбобсозлар, слесарь-ремонтчилар, фрезерчилар, токарлар, созловчилар, йиғувчилар, электромонтёрлар, кўкаламзорлаштирувчилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

қуювчилар, пресловчилар (хотин-қизлар); **слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбобсозлар, токарлар, пайвандчилар, фрезерчилар, тунукачилар, штамповкачилар** (хотин-қизлар), **полировкачилар** (хотин-қизлар).

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА

УЙ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШГА

аёлларнинг енгил кўйлакларини якка тартибда тикувчи уста, аёллар ва эркакларнинг устки кийимларини тикувчи уста, тикув буюмларини ремонт қилиш бўйича тикувчи уста, гул солувчи, плиссеровкачи-гафрировкачи (хотин-қизлар), машинада тўқувчи-каштачи, кўрпачалар тикиш бўйича тикувчи.

Ишга 15 ёшгача бўлган болалари бор аёллар, инвалидлар, пенсионерлар ва инвалидларга қараб турувчи аёллар ёки онласида узоқ муддат ётган касали бор хотин-қизлар қабул қилинади.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

техника хавфсизлиги бўйича катта инженер, бошқарма ва бўлимларнинг катта инженерлари ва инженерлари: ишлаб чиқаришкўрсатма бериш, техника бўлими, бош механика, меҳнат ва иш ҳақи; **катта бухгалтер ва ревизор, кассир, молия бўлими экономисти, секретарь-машинистка, агроном, зоотехник.**

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти —2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти —Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22 квартал, 18-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркакларнинг устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати —3-3,5 йил; **эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка.** Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқиганлар учун 6 ой; 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-синфни битириб ўқишга кирганлар давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумотлилар эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини битирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ва «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилади. Практика даврида ўқувчилар ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганлар эгаллаган ихтисоси ва ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар институт ва техникумларга йўлланма билан юбориладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида— 2, 3, 16, 22, 23, 28-трамвайлар, 2, 26, 10, 17, 56, 57, 89, 72, 60-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Мавзук кўчаси, 136-уй (Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали территориясида — 27-трамвай, 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефонлар: 35-62-41, 48-64-04.

«СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ САНОАТ БИРЛАШМАСИ

ҚАШҚАДАРЁ ВА БУХОРО ОБЛАСТЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН БИРЛАШМА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН

(«Муборакгаздобича», Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шуртангаз» газ ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Газлинефтегаздобича», «Ўзбекбургаз»)

3, 4, 5, 6, разряддаги токарлар, 4, 5, 6 разряддаги фрезировкачилар, 5 разряддаги йўнувчилар, 3 разряддаги аррада қирқувчилар, станоклар ремонти бўйича 4, 5 разряддаги слесарлар, 6 разряддаги каруселчи-токарлар, 6 разряддаги йўнувчи токарлар, 3, 4, 5, 6 разряддаги станокчи-токарлар, 6 разряддаги исканачи, 5, 6 разряддаги шлифовкачилар, қувурларни букувчи станокларнинг 4, 5 разряддаги станокчилар, МА-4132-А босқони учун 4 разряддаги темирчи, 3 разряддаги босқончиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнатга ҳақ тўлашда асосий маошга қўшимча 1,55 коэффициенти қўлланилади ҳамда ишнинг вахта усулидаги кўчма характери учун 30 процент қўшимча белгиланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 66-уй, кадрлар бўлими; Муборак шаҳри, «Муборакгаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кадрлар бўлими; Газли шаҳри «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кадрлар бўлими.

ТВ

сешанба

23 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.45 Халқаро конкурслар лауреати В. Ереско чалади (фортепьяно).
18.05 «Стадион ҳамма учун».
18.35 «Қувноқ нотачалар».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
20.05 «Островский уйи». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
21.30 «Время».
22.05 «Островский уйи» фильм-спектаклининг давоми.
23.40 «Дунё воқеалари».
23.55 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар: «Ҳар гал қайтадан бошлаб», «Умидимиз шу яхмалакдан».
21.20 «Арфа янграйди». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Кумуш ёш». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.20 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Москва ёшлар ва студентлар хорининг концерти.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.40 «Энг яхши тажриба — хўжаликни юритиш практикасига» (рус.).
19.05 «Оқ олтин»нинг ёнғинидан сақлайлик» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Гулистон» журнали саҳифаларида.
20.30 «Ахборот».
20.55 Халқ чолғу оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дурангсиз ўйин». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Подпоручик Киже». Фильм-балет.
18.55 Ўқув программаси.
19.25 «Кишилар тақдири», «Сурож-Сугдейя-Судак». Телефильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чемпион бўлмоқчиман». Телефильм.
20.30 «Болалик. Успиринлик. Ёшлик». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).

21.30 МТ I

чоршанба

24 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Островский уйи». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар: «Бир умрлик иш», «Ишнинг кўзини билиб».
16.05 «Биргаликда аҳил оиламиз».
16.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.00 «..16 ёшгача ва ундан катталар».
17.45 «Поэзия». И. Сельвинский.
18.25 «Дунё ва ёшлар».
19.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Локомотив» (Лейпциг) — «Спартак» (Москва). ГДРдан олиб кўрсатилади. Таннафус пайтида (19.45) —«Дунё воқеалари».
20.55 «Сизни Свердловск опера театри таклиф этади».
21.30 «Время».
22.05 «Театрда, кинода ва телевиденеда музика» кўрсатуви саҳифаларида.
22.30 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Левински-Спартак» (Болгария) — «Днепр» (Днепропетровск). Болгариядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.15) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Келажак даъватини тингламоқ». Ҳужжатли фильм.
12.05—12.40 «Онамларнинг мактаби».
14.10 «Космик аппаратлардаги бошқарув ҳаракати». Илмий-оммабоп фильм.
14.25 Совет тасвирий санъати. «Жасорат солномаси».
15.10 «Хўжалик юритиш мактаби». «Интизом — муваффақият гарови».
15.40 «Пабло Пикассо — коммунист рассом».
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 И. Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти. Дирижёр — Петер Гут.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.20 «Қишлоқда болалиги ўтган жойлар». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қаҳратон қиш ҳарорати». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.15 Халқаро конкурслар лауреати Кристиана Блекшоу концерти (Буюк Британия).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Биз «Юлдуз»да рақсга тушамиз». Болалар учун фильм-концерт.
10.50 Буюк Ғалабанинг 40-йиллигига. Л. Дмитерко. «Генерал Ватутин». Украина драма театрининг спектакли. 2-қисм.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
12.30 Ўқув программаси.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.40 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг техника фанлари доктори Х. З. Икромова билан учрашуви.
19.10 Адабий театр. И. Ўктамов. «Дўстлик қўшиғи».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Китоб ва ҳаёт». Ғ. Ғулом номли бадиий адабиёт нашриёти (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 Р. Қурбонов ва М. Тожибоев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Чўлдаги икки киши». Бадиий фильм.
23.40 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқитувчи экрани.
18.40 «Дарахт қўшиғи». Телефильм.
18.50 Ўқув программаси (рус.).
19.20 «Қишлоқ ҳаёти».
19.40 Тошкент янгиликлари.
20.00 «Болалик. Успиринлик. Ёшлик». Бадиий фильм. 3-серия. (рус.).
21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

23 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

— орган Ташкентского городского комитета Компартии Узбекистана и Ташгорсовета

(Газета бир йилда 300 марта чиқади)

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 29.

Телефонлар: секретариат— 33-57-82; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-04-85; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; маориф ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, маиший хизмат ва санъат—33-04-85; —32-53-10; адабиёт ва санъат—33-04-85; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 33-41-62; 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-41-62; диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. Индекс 63.

Р—12525. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7